

Qishloq hayoti

2012 йил Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 30-МАРТ, ЖУМА, 39 (7968) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoshлаган
Bahosi kelishilgan narxda.



Ҳазорасп тумани табиати муҳофаза қилиш инспекцияси элимиз дастурхонини "луқмаи ҳалол"га сероб қилиш борасидаги ишлар ривожига ҳисса қўшаётди. Туман ҳудудидаги табиий кўллар ҳисобига 24 та балиқчилик фермер ҳўжалиги ва "Питнабалиқсавдо" бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, уларда балиқ маҳсулотлари етиштириш, аҳолига етказиб бериш борасидаги ишларни назорат қилиб боришни табиати муҳофаза қилиш инспекцияси ўз зиммасига олган.



Кейинги йилларда Фарғона вилоятида "олтин дарахт" дея таъриф олган пистани экиб, парваришлаш ҳаракати бошланди. Жумладан, Қўқон ўрмон ҳўжалиги боғбонлари 60 гектар майдонда пистазор барпо этишди. Унда "Шарқ юлдузи", "Олмос", "Ҳосилдор" каби писта навлари парваришланяпти.



Қарши шаҳрида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури", Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармалари, "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг никоҳ ва суннат тўйлари ўтказилди.

САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА САХИФАЛДАРДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 29 март кун Оқсаройда АҚШ Қуролли Кучлари Марказий қўмондонлиги қўмондони Жеймс Мэттисни қабул қилди.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Сўхбат чоғида давлатимиз раҳбари кейинги вақтда Ўзбекистон ва АҚШ самарали сиёсий мулоқот, иқтисодиёт ва сармоя, янги таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш сингари ғоят муҳим йўналишлар бўйича ҳар томонлама ҳамкорликни сезиларли даражада фаоллаштиришга эришганини таъкидлади.

Учрашувда минтақадаги мавжуд вазият, Афғонистон муаммосини ҳал қилиш, шунингдек, ўзаро муносабатларни ривожлантириш ва кенгайтириш борасида томонларни қизиқтирган масалалар, жумладан, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилди.

Ж.Мэттис самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик билдириб, Америка Қўшма Штатлари икки томон учун ҳам фойдали Ўзбекистон-АҚШ ҳамкорлигини ўзаро ҳурмат ва ишонч тамойиллари асосида янада кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этди.

ЎЗА

НаВойи Вилояти

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама соғлом фарзанд туғилиши ва вояга етиши учун зарур шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

«САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ» – НАВОЙИДА

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 27 февралда қабул қилинган «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш доирасида «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган «Саломатлик поезди» Навойи шаҳрига етиб келди.

«Саломатлик поезди»нинг тажрибали шифокорлари вилоятимизнинг «Тинчлик», «Бузовбой», «Учқудук-2», «Қизилқудук», «Мустақиллик», «Қарағата», «Конимех» станциялари, Конимех, Учқудук, Томди туманлари, вилоят бошқаруви ва туғруқ маҳмуалари, махсус мактаб-интернатларда бўлиб, аҳолини тиббий кўриқдан ўтказди, дейди «Соғлом авлод учун» жамғармасининг Навойи вилояти филиали раҳбари Нилуфар Эргашева. — Шунингдек, турли касалликлар-

нинг олдини олиш ва даволаш бўйича тиббий маслаҳатлар берилди.

Навоий шаҳридаги Тинчлик маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Манзура Халилова ҳам «Саломатлик поезди» шифокорлари кўригидан ўтди.

— Даволаниш бўйича зарур маслаҳат ва дори-дармонлар берган тиббиёт ходимларидан миннатдорман, — дейди М.Халилова. — Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган бундай меҳр-муруват дардимизга малҳам бўлмоқда.

Аҳоли, айниқса, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбир доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож беморларга озиқ-овқат, дори-дармон ва кийим-кечаклар берилди.

Ёрқул УМАР,
ЎЗА мухбири.

«ЭНГ ЯХШИ»ЛАР БЕЛЛАШМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ СОВРИНИ УЧУН ТАДБИРКОРЛАР, ФЕРМЕРЛАР ВА ҲУНАРМАНДЛАР ЎРТАСИДА АНЪАНАВИЙ ЎТКАЗИБ КЕЛИНАЁТГАН «ТАШАББУС» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ЯКУНИЙ — МАМЛАКАТ БОСҚИЧИ ФАОЛИЯТ БОШЛАДИ



Куни кеча «Туркистон» саройида «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг мамлакат босқичи иштирокчилари маҳсулотлари кўргазмасининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда таъкидланганидек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси иқтисодиётдаги муҳим ва салмоқли ҳиссаси билан тараққиёт ҳамда фаровонликни таъминлашда алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу соҳа аҳолини иш билан таъминлаш, барқарор даромад манбаларини яратиш, истиқболли тармоқлар ривожига муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда иш билан банд аҳолининг 74 фоизи айти ш соҳада хизмат қилаётгани, кичик бизнеснинг мамлакат ялпи ички маҳсулотдаги улуши йил сайин ошиб бораётгани ҳақида фикримиз далилидир.



Анъанага кўра, кўрик-танловнинг асосий ташкилотчиси Ўзбекистон Республикаси Савдо-санаят палатаси бўлиб, Ўзбекистон Фермер ҳўжаликлари уюшмаси, Ўзбекистон халқ бораётгани ҳақида фикримиз далилидир.

молот» ЁИҲ, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши, шунингдек, бир қатор вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги ҳамда молиявий кўмаги асосида ташкил этилди. Кўрик-танлов иштирокчилари учта асосий йўналиш — «Йилнинг

энг яхши тадбиркори», «Йилнинг энг яхши фермери» ва «Йилнинг энг яхши ҳўнарманди» ҳамда қўшимча — «Йилнинг энг ёш тадбиркори», «Йилнинг энг яхши тадбиркор аёли», «Энг яхши инновацион лойиҳа», «Ёшларга иш берув-

чи энг яхши тадбиркор», «Энг яхши оилавий бизнес», «Менинг юртим — менинг фаҳрим», «Устоз-шогирд» мактабини ташкил этган энг яхши ҳўнарманд» номинациялари бўйича беллашмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Қорақалпоғистон Республикаси

ҲАМ ДЕҲҚОН, ҲАМ ТАДБИРКОР

Тўртқўл туманининг чекка ҳудудида жойлашган Оққамиш қишлоқи аҳолиси илгари мева-сабзавот маҳсулотларини қўлчица бозордан сотиб олишарди. Аҳоли томоқларига қаратилаётган эътибор натижасида қишлоқ аҳоли мева-сабзавот ва полиз экинларидан мўл ҳосил олиш борасида катта ютуқларга эришмоқдалар.

Қишлоқдаги ибратли оилалардан бири — Абдурасул Машарипов оиласи. Қишлоқ ва сув ҳўжалиги соҳасида 40 йил меҳнат қилган тажрибали мутахассис Абдурасул ака бугунги кунда «Машарип Толибжон МЖТ» агрофирмаси раҳбари. Агрофирмадаги фаолияти баробарида у киши оила аъзолари, фарзандлари билан бирига томоқража мева-сабзавот экишиб, мўл ҳосил олишмоқда. Рўзгорни таъминлаб, орта-

нини бозорга чиқармоқда.

— 2004 йил фарзандларим билан маслаҳатлашиб, тендерда қатнашдик, — дейди Абдурасул ака. — Уч гектар ерни ютиб олдик. Бир неча йил пахта эдик, 40-45 центнер ҳосил етиштириб, ҳар йили яхши даромад қилдик. Ўтган йили эса боғдорчилик ҳўжалигини ташкил этдик. 2,5 тонна ўрик, 3 тонна олма, 2 тонна бўғдой, помидор маҳсулотлари етиштириб, йиллик даромади-

мизга «Дамас» машинасини сотиб олдик. Фаолиятимизни кенгайтириб, фермер ҳўжалигимизни агрофирмага айлантирдик. Балиқчилик, чорвачилик, асарчилик каби тармоқларни йўлга қўйдик. Ўғилларим — Русланбек, Сардорбек, Жавлонбек, Машхурбеклар бугун ёнимда ишлайди. Режаларимиз кўп. Иссиқхона қурмоқчимиз. Мева-сабзавот кўчатлари етиштироқчимиз. Ҳудудимизга минерал ўғитлар билан савдо қиладиган шохбча ташкил қилмоқчимиз.

Абдурасул аканинг икки гектар даласида кузги бўғдой ўсяпти, эртаги сабзавотлар, саримсоқ пиёз экилган. Кейинчалик мевали

дарахтлар орасига беда экишмоқчи. Ҳар йили кечки бодирингдан яхши даромад олинади. Кечки пиёз, сўнгра турп, шолғом экишади. Деҳқончиликда аниқ ҳисоб билан иш юритишнинг фойдасини оиладагилар яхши тушунишади.

— Оила қачон мустаҳкам бўлади? Халол меҳнат қилиб яшаш, бир-бирини тушуниш, қўллаб-қувватлаш билан, — дейди Оққамиш овул фуқаролар йиғини маслаҳатчиси Сапаргул Жумабаева. — Абдурасул ака ва Реймажон опанинг оиласига кўпчилик ҳавас қилади. Оиладаги ҳамжихатлик, тўқинлиқни оилага ибрат қилиб кўрсатса арзийди.

Қурбонбика ЮНУСОВА

АНЖУМАН

да эътибор қаратилиши лозимлиги таъкидланди.

Шунингдек, ғалла парвариши, хусусан, уни «шарбат» усулида суғориш, озиклантириш, суспензиялаш, бегона ўтлар ва касалликларга қарши курашиш агротехник тадбирларини сифатли ҳамда ўз вақтида ўтказиш ҳам шу кўнинг долзарб вазифаларидан эканлиги таъкидланди. Ривождан ортада қолаётган ғалла майдонларида қўшимча агротехник тадбирларни олиб бориш, дала четларига мевали кўчатлар, сабзавот ва полиз экинлари экиш, ҳар бир ҳўжаликда 200 бошдан парранда парваришини йўлга қўйиш ҳамда мавсумга доир бошқа долзарб масалалар бўйича сўз юритилди.

Худди шундай кўргазмали семинар Қашмиш ҳамда Қарши туманларида ҳам бўлиб ўтди.

Хусан ТЕМИРОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Қашқадарё Вилояти

МАВСУМГА ДОИР ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Нишон туманидаги «Самарқанд» муқобил машина-трактор парки ҳудудида чигит экишни уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда ғалла парваришидаги долзарб вазифаларга бағишланган кўргазмали семинар бўлиб ўтди.

Унда Муборак, Касби, Косон, Миришкор, Қарши туманлари ҳокимлари, соҳага алоқадор ташкилотлар раҳбарлари ҳамда ушбу туманлардаги тегишли корхона ва идоралар мутасаддилари, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этишди.

Семинар қатнашчилари дастлаб «Самарқанд» муқобил машина-трактор парки ҳудудидаги бир қатор фермер ҳўжаликлари дала-ларида бўлиб, ерни текислаш, пушта олиш, суғориш ва чигит экиш ҳамда ғалла майсаларини

анча кўп бўлар экан. Колаверса, бундай майдонларда чигитиш барвақт ўтказилади ва ҳосил ҳам анча эрта тайёр бўлади. Ҳосилдорлик 5-6 центнергача кўпаяди.

Тадбирда бу мавсум чигитни қўшқатор усулда экишга алоҳида эътибор қаратилаётганини, ушбу усулнинг самарадорлиги ҳамда афзалликлари ҳақида батафсил сўз юритилди. Таъкидландики, юқори ва сифатли ҳосил етиштириш, аввало, чигит экиш тадбирининг қандай ўтказилишига боғлиқ. Яъни, уни мақбул муддатларда, яхши текисланиб, сифатли тайёрланган ерда, етарли даражада иссиқликка ва намликка эга бўлган тупроққа экилишини таъминлаш лозим. Жо-



рий йилда вилоят пахтакорлари гузанинг «Бухоро-6», «Бухоро-8», «Бухоро-102», «Наманган-77», «Бешкаҳрамон» ва бир қатор янги навларини экишади.

Тадбирда ҳар бир ҳўжаликда чигит экишдан олдин ерни текислаш,

пушта олиш, суғориш ва белгиланган меъёрга аммофос билан озиклантиришга ҳамда тупроқ ҳарорати, уруғлик чигитнинг сифати, касалликларга қарши дориланганлиги, экиш меъёри, чуқурлиги, экиш олдидаги уруғни намлашга алоҳи-

Қўқоннинг муҳим воқеалари

►Навоий шаҳридаги «Ёшлар саройи» ва педагогика институтида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази ва «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси жойларда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббус ва истеъдодини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида «Биз - бир жамоа, биз - бир оила» ижтимоий акцияси бўлиб ўтди.

►Янгийўл туманида барча қўлайликларга эга янги ФХДЭ биноси фойдаланишга топширилди. Бу ерда ФХДЭ ходимлари учун қўлай хизмат хоналари, никоҳларни тантанали қайд этиш учун зал ҳамда оила қуриш оstonасидаги ёшлар учун турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган «Оила дорилфунуни» мавжуд.

►Андижон давлат тиббиёт институтида тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.

«ЭНГ ЯХШИ»ЛАР БЕШЛАШМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Кўргазма залларини айланар экансиз, дид билан безатилган маҳсулотларни кўриб кўзингиз қувнайд. Иштирокчиларнинг қай бири билан сўхбатлашманг, эришилаётган ютуқларнинг асосий омилли ғамхўрлик, эътибор ва яратиб берилаётган шароитда эканлигини таъкидлашди.

— Корхонамиз фаолият бошлаганда ишчиларимиз сонин 7 нафар эди, бугунги кунда фирмамизда 250 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда, — дейди танлов иштирокчиси, Жиззах вилоятидаги «Жиззах - Кўхунур» хусусий фирмаси раҳбари

Холисхон Бобоева. — Корхонамизда пилла қайта ишланиб, ипак толаси олинади. Адрес-атлас матолари тўқилиб, улардан либослар, кўрпа-ёстиқлар, элита усулида пардалар тайёрланади. Шунингдек, шифер ишлаб чиқариш цехимиз ҳам бор. Маҳаллий хомашёдан замонавий технология асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар

римиз харидорларини топмоқда. Жорий йилда бир неча турдаги маҳсулотларни ўзлаштирмоқчимиз. Бундан ташқари, амалга оширишга кенг қўлланма ишларга муносиб улушимизни қўшамиз. Асосий эътиборни ёшларни иш билан таъминлашга қаратяпмиз. Коллеж ўқувчилари билан амалиёт ўтатяпмиз. Айти пайтда корхонамизда юз нафардан ортиқ коллеж ўқувчиси амалиёт ўташи билан бирга, иш

— Фермер хўжалиги ташкил этиб, мулкдор бўлди, элу юрта нафимиз тегапти, — дейди Қашқадарё вилояти Қарши туманидаги

моқли бўлиш қўлай эканлигини англади. 180 гектар озуқа экин майдонимиз, 5 гектар ерда боғимиз бор. Бугунги фермер нафақат ишлаб чиқаришни, балки қайта ишлашни ҳам билиши керак. Шу мақсадда ўтган йили бир кеча-кундузда 3 тонна сутни қайта ишлашга мўлжалланган замонавий технология олиб келиб ўрнатдик. Хозирда 5 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқаряпмиз. Даромадимиз ошгани боис қишлоқ марказида 2 та савдо растаси, 2 та маиший хизмат кўрсатиш уйи, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехини ишга туширдик. 12 та кам таъминланган оилага қорамол бердик. Жорий йилда ниятларимиз катта. Жумладан, биогаз технологиясини ишга туширмоқчимиз. Бунинг учун амалий харакатлар олиб борапмиз. Ахир, имкониятлардан унумли фойдаланмай бўладими? Қолаверса, муқобил энергия манбаларини ишга тушириш давр талаби.

Кўргазма давомиди барча иштирокчиларнинг бир-биридан чиройли, зеб билан безатилган қаторлари мамлакатимизда уларга яратилаётган шароитнинг намунасини кўрсатиб турибди. Айниқса, хўнарамандларнинг маҳсулотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Шахрихондан келдик, — дейди хўнараманд Баҳодир Юлдашев. — Шахрихон пичоқларининг довуруғини эшитгансиз. Миллий пичоқлар ясаймиз. «Дамашқ пўлати»ни қайта ишлашни ўзлаштирганимиз фаолиятимиздаги асосий янгилки.

Мана шу жараёнда маълум бўлдики, ота-боболаримиз ясаган пичоқ, қилич ва яроғлар Дамашқ бозорларида сотилгани боис «дамашқ пўлати» дея машхур бўлиб кетган экан. Маҳсулотларимизга хозир хорижда ҳам қизиқиш катта. Хусусан, кўпгина давлатлар коллекционерлари уларни юқори баҳоламоқда. Бугун шогирдларим



56 нафарга етди.

— Хўнарамиз оилавий бизнесга асос бўлмоқда, — дейди Термиз туманилик хўнараманд Алия Имомбердиева. — Миллий гиламлар тўқиймиз. Бу хўнарни момондан ўрганганман. Хозир адрас нақшини гиламга ўтказяпмиз. Шу каби изланишларимиз фаолиятимиз ривожига омил бўлмоқда. 100 нафардан ортиқ қизга хўнара сирларини ўргатяпман. Хўнарим орқасидан дунёнинг кўпга давлатларида кўргазмаларда қатнашдик.

Кўргазма иштирокчиларининг сўзлари, фаоллиги сизга ҳам юқади, «ташаббусингиз» — фаоллигингиз ошади. Мамлакатимизда ишбилармонларга яратилаётган шароит, уларга кўрсатилаётган ғамхўрликни ҳис қиласиз.

— Бу танловда ҳамма ғолиб, — дейди Яқкаб туманидаги «Элёр» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари

Робия Жумаева. — Негаки, биз тадбиркорларга қаратилаётган эътибор мана шу тадбирда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Кўрик-танлов иштирокчилари Тошкентдаги «Турин» политехника институтини, Тошкент давлат аграр университетини, Камолитдин Бекзод номидаги рассомчилик ва дизайн институтини таълим ва тажрибаларини ўртоқлашди. Талабалар билан ўзларининг билим ва тажрибаларини ўртоқлашди. Зеро, уларнинг тажрибаси — «олтин тажриба». Ахир, улар «яхшилари»нинг яхшиси» бўлиш учун беллашмоқдалар.

Бугун «Туркистон» саройида «Ташаббус-2012» кўрик-танловининг ғолиблари ва совриндорларини аниқлаш ва тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Анвар КУЛМУРОВОВ, «Qishloq hayoti» мухбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

▼ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

МЕХНАТКАШЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ВА САЛОМАТЛИГИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши томонидан ишчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда саломатликларини мустақамлаш йўлида олиб борилаётган ишларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

Унда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизнинг демократик янгиланган, қонун устуворлиги ва қонунийлиги мустақамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш борасида кенг қўлланма ишларни амалга ошириш жараёнида касаба уюшмалари ҳам фаол иштирок этиб келаётганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мехнат ҳуқуқлари, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Мехнат Кодекси, «Мехнатни муҳофаз қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги ва бошқа қатор қонунларда белгилаб қўйилган. Мехнаткашларнинг ҳуқуқлари ҳимоясида оид қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртасида 2011-2013 йиллар учун имзоланган ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид Бош қелишувда ўз аксини топган. Бош қелишувдан келиб чиққан ҳолда хўнарамандлар имзоланган ҳудудий ва тармоқ қелишувлари, корхона,

ташкилот ва муассасаларда меҳнат ҳуқуқлари ҳимояси бўйича қўшимча ҳуқуқ ва имтиёзлар киритилган. Жамоа шартномаси — корхонада иш бериш билан ходимлар ўртасидаги меҳнатга оид, ижтимоий-иқтисодий ва касба оид муносабатларнинг тартибга солувчи норматив ҳужжатдир. Бугунги кунда республикада 1 та Бош қелишув, 85 та республика миқёсидаги тармоқ қелишувлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида 14 та ҳудудий ва 210 та ҳудудий-тармоқ, туманлар ва вилоят бўйсинувидаги шаҳарлар миқёсида 308 та, бевосита корхона ва таъкилотларда эса 92 миң 87 та жамоа шартномалари амал қилмоқда.

Касаба уюшмалари меҳнат бозорида юз бераётган жараёنларни ҳисобга олган ҳолда фуқароларнинг меҳнат қилиши, ишчи эркин танлаш, бандлик борасида Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаз қилиш вазирлиги билан қўшма тадбирлар ишлаб чиқилди ҳамда уларни амалга ошириш борасида фаолият олиб боришмоқда. Касб-хўнара коллежлари битирув-

чиларини иш билан таъминлаш борасида хўнарамандлар ишлаб чиқариш корхоналари билан «Устоз-шогирд» тизими асосида амалиётни ўтатиш вақтида янги иш бошлаган битирувчиларга энг кам иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда моддий ёрдам кўрсатишмоқда. Шунингдек, бугунги кунда республикадаги 85 миң 452 та корхона ва таъкилотларда коллежни битирган ёшлардан 290 миң 249 нафарини иш жойларида қўнимчилиги таъминлангани устидан мониторинг ўрнатилди.

Федерация Кенгаши томонидан 2011 йилда ходимларнинг меҳнат муҳофазасини қўлайитириш борасида корхона ва таъкилотларнинг жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси бўйича режалаштирилган 81,4 миллион сўм ўрнига 93,5 миллион сўм маблағ сарфланган. Натижада корхоналарда меҳнатда жароҳатланган ва касбий фаолият давомиди орттирилган касалликлар кескин камайди.

Бугунги кунда федерация Кенгаши тизимида 15 та санаторий фаолият кўрсатмоқда. Ушбу масканларда ҳар йили 90 миң нафарга яқин меҳнаткаш ҳордиқ чиқариб, ўз саломатлигини тиклаш имкониятига эга бўлмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2011 йилда касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларга меҳнаткашлар

учун йўлланмалар ажратиш мўддати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди. Бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг молиявий имконияти кенгайтирилиши натижасида ҳар йили қўшимча равишда 10 миң нафар киши ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш имконияти яратилди.

Федерация Кенгаши томонидан санаторий-курорт хизмати кўрсатиш сифатини янада юксалтириш, аҳоли саломатлигини мустақамлаш, она ва болани соғломлаштириш ишларини жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш мақсадида қатор ишлар амалга оширилди.

Мустақам оила йилида ҳам федерация Кенгаши меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, оналар ва болалар саломатлигини мустақамлаш борасида кенг қўлланма ишларни режалаштирган.

Матбуот анжумани давомиди федерация Кенгаши масъуллари мамлакатимиздаги демократик янгиланиш, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишлар тўғрисида кенг

роқ маълумотлар бердилар. Тадбир сўнгиде журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Ахмаджон РИХСИБОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

Бухоро Вилояти

Бухоро вилояти «Қорақўл» бирлашмасида қўзилашти мавсумига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Бирлашма тизимидаги ширкат хўжалиқлари раҳбарлари, мутахассислари ва бош чўпонлар иштирок этган тадбирда чорвадорлар жорий мавсумнинг долзарб вазифалари хусусида сўхбатлашилди.

ҚОРАҚЎЛЧИЛАР ШИЖОАТИ

Табиат ўтган икки йилда ўз инжиқликларини билан чўпон-чўлиқларнинг бардошини обдон синовдан ўтказди. Айниқса, жорий йил қиш фаслининг узоқ чўзилиши, қорлиқировли кунларнинг кўп бўлганлиги қўйчинонларга етарли қийинчилик туғдириди.

Шундай бўлса-да, бирлашма таркибидаги хўжаликлар ўтган мавсумни юқори кўрсаткичлар билан яқунлашга муваффақ бўлиди. Мажмууд совлиқлардан 131 миң 750 бош қўзи олини, уларнинг 67 миң 325 боши ўстиришга қолдирилди. 385,4 тонна гўшт, 126,3 тонна жун, 64 миң 425 дана қорақўл тери ишлаб чиқарилиди. Совлиқ қўйлар 1854 бошга кўпайди.

Тадбирда иштирок этган «Ўзбек қорақўли» компанияси раиси Т.Раҳимов чорвачилик учун қўлай қилиши қўйлаётган жорий йилда қўйчинонлар томонидан қўзилашти мавсумини юқори натижалар билан яқунлаш мақсадида зарур чора-тадбирлар қўрилганини таъкидлаб ўтди.

Эндиги вазифа ташкилотчилик асосида соҳа меҳнат аҳли учун муҳим бўлган, қолаверса, қорақўлчиликнинг келгусидаги ютуқларига омил бўладиган қўзилашти мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишдан иборат. Семинарда сўз олган қорақўлчилик хўжалиқларининг илгор чўпонлари жорий мавсумда ўз отарларидаги ҳар юз бош совлиқдан 110 тадан қўзи олиб, уларнинг асосий қисmini ўстиришга қолдиришни ва бир отардан икки отар яратиш ташаббуси билан чиқиди. Бошқа қўйчинонлар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватлашларини таъкидлашди.

Хамроз Али, «Qishloq hayoti» мухбири.

Хоразм Вилояти

ОНА ТАБИАТНИ АСЛИДАЙ АСРАШ БУРЧИМИЗДИР

Мамлакатимизда юртимизнинг бетақорр табиати, унинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаз қилиш, шунингдек, ер ости ва ер усти бойликларини асраб-авайлаш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг бу борадаги билим ва тушунарларини кенгайтириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

— Ўзбекистон Республикасининг «Табиати муҳофаз қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаз қилиш тўғрисида»ги қонунлари фаолиятимизда асосий дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Хоразм вилояти табиати муҳофаз қилиш қўмитаси Хазорасп тумани инспекцияси бошлиғи Азимбой Искандаров. — Мазкур қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолининг барча қатламларига етказиш мақсадида тумандаги маҳалла фуқаролар йиғинларида, фермер хўжалиқлари, корхона, ташкилот, ўқув муассасаларида «Табиат — тараққиёт ва фаровонлик», «Табиат ва ёшлар», «Табиатни асраш — соғлиғимизни асрашдир» каби мавзуларда сўхбатлар ўтказяпмиз.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилда қабул қилинган «Муҳофаз этиладиган табиий ҳудудлар

тўғрисида»ги қонунига мувофиқ туман ҳудудида бўлган магистрал канал ва коллекторлар, Амударё ҳамда Полван каналли, уларнинг қирғоқ бўйлари муҳофаз этиладиган табиий ҳудудлар сирасига киритилган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 февралдаги «Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида Амударё сувини муҳофаз зоналари ва қирғоқ бўйи минтақаларини белгилаш тўғрисида»ги қарори ва шу асосда қабул қилинган Хоразм вилояти ҳокимининг 2007 йил 25 декабрдаги қарорига биноан «Ўздаверлойд» институтининг вилоят филиали томонидан муҳофаз зонасининг паспорт тайёрланган. Қарорга асосан Амударёнинг сув муҳофаз зонаси 500 метр ва қирғоқ бўйи полосаси 100 метр қилиб белгиланган. Инспекция хо-

димлари томонидан туман аҳолиси ўртасида тушултириш ишлари олиб борилаётганлиги натижасида мазкур қонунларга риоя қилини таъминланмоқда. Қирғоқ бўйи ҳудудларида тегишли ташкилотлардан рухсат олмасдан қазиб ва қум қўчириш, ерларни ўзбошимчилик билан экин майдонларига айлантириш каби салбий ҳолатларнинг олди олинмоқда.

Хазорасп тумани табиати муҳофаз қилиш инспекцияси томонидан олиб борилаётган ишлар билан танишар эканмиз, уларнинг элимиз дастурхонини «луқмаи ҳалол»га сөрб қилиш борасидаги ишлар ривожига ҳисса қўшаётганликларининг гувоҳи бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 26 февралдаги қарорига биноан табиий қўйлар ҳисобига 24 та баълиқчилик фермер хўжалиги ва «Питнақалиқсавдо» бирлашмаси ташкил қилинган бўлиб, уларда сунъий сув ҳавзаларини ташкил қилиш, баллиқ чавоқлари ташлаш ишларига ёрдамлаш ва баллиқ маҳсулотлари етиштириш, аҳоли-



га етказиб бериш борасидаги ишларни назорат қилиб боришни таъминлаш мақсадида фермерларга имтиёзли кредитлар олишда қўллаб-қувватлашмоқда. 160 гектар майдонини, шундан 106 гектар сув ҳавзасини эгаллаган Нуриддин Рўзметов раҳбарлигидаги «Сотимбой баллиқчи» фермер хўжалиғига ўтган йилда 10 миллион сўм миқ-

яратилди. Соҳани тез ривожлантириш мақсадида фермерларга имтиёзли кредитлар олишда қўллаб-қувватлашмоқда. 160 гектар майдонини, шундан 106 гектар сув ҳавзасини эгаллаган Нуриддин Рўзметов раҳбарлигидаги «Сотимбой баллиқчи» фермер хўжалиғига ўтган йилда 10 миллион сўм миқ-

дориди имтиёзли кредит олишга ёрдамлашилган. Шундан кейин фермернинг иштирокида қўйларга 250 килограмм баллиқ чавоқлари ташланиб, улар хозирда омилкорлик билан парваришланмоқда.

Амалдаги йилда яна 3 та баллиқчилик фермер хўжалиғида интенсив усулда баллиқ боқишни йўлга қўйиш учун 2 тадан сунъий ҳовуз ташкил қилиш режалаштирилган. Олиб борилаётган бундай тадбирлар натижасида баллиқ маҳсулотлари етиштиришда сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. 2012 йилнинг ўтган даври мобайнида фермер хўжалиқлари томонидан 100 тоннадан зиёд баллиқ маҳсулотлари аҳолига етказиб берилган. Барча фермер хўжалиқлари қоидада ўз маҳсулотларини сотиш учун савдо шохобчалари, бозорларда эса алоҳида баллиқ сотиладиган расталар ташкил қилинмоқда. Буларнинг барчаси ўсимлик ва ҳайвонот оламини қўз қорачиқдай асрашда фидойилик қилаётган Хазорасп тумани табиати муҳофаз қилиш инспекцияси ходимлари фаолиятининг асосий мезонларидан биридир.

Холмурод ҚУРБОНОВ, «Qishloq hayoti» мухбири.

АГРОМАСЛАХАТХОНА

Жорий йилнинг январь, февраль, март ойларида об-ҳаво анчайин совуқ келиб, ёғингарчилик олдинги йилларга қараганда 3-4 марта кўп кузатилди. Натижада майдонларда намлик етарли даражада, айрим далаalarda меъдирдан ортиқ ҳам бўлди. Бундай пайтда деҳқон, хусусан, пахтакорлар нималарга эътибор қаратиши лозим?

МУРАККАБ ИҚЛИМ ВА МАҚБУЛ МУДДАТ

Бу йилги мураккаб об-ҳаво шароитида чигитни оби-тобида экиш ва ундириб олишда қандай агротехнологиялардан фойдаланган маъқул?

Энг аввало, ер тобора қўланишга қараб, барча майдонлар боронланиши зарур. Бу тупроқни майинлаштириш, ҳайдалма қатлам ҳавоси алмашинишни яхшилашда муҳим. Шунингдек, бороналаш ерни текислаб, бегона ўтларни йўқотишда ҳам аҳамиятлидир.

Боронани соатига 7-8 километр тезликда ишлашти тавсия этилади. Тезлик бундан ошиб ёки камайиб кетса сифат бўзилади.

Тупроқ нами дала нам сифатига нисбатан 50-60 фоиз бўлганда, бороналаш энг қўлай муддат ҳисобланади. Аммо қумоқ, қумлоқ тупроқли ерларда нам бундан юқори бўлганда ҳам ушбу тадбирни ўтказиш мумкин. Ернинг юза қисми намсиз қуруқ бўлса, бороналаш вақтида фақат кесаклар қўчиб, тупроқ уволанмайди.

Ерни бороналаш чуқурлиги боронани тракторга улашга, яъни уни узун ёки қалта улашга боғлиқ. Чўнончи, борона агрегатга узун уланса, савёз боронланади. Шунинг учун улаш узунлиги муайян бўлмада бўлиши тақозо этилади. Шўрланган ерларга қуғзи шўдгор олдиндан ўғит берилмаган бўлса, шўри ювилгач, фосфорли ўғитлар йиллик меъёрининг 60 фоизини, калий ўғитининг 50 фоизини экишдан олдин бериш керак.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти олимлари томонидан об-ҳавонинг қандай қилишидан қатъи назар, барвақт ва қўйғос ундириб олиш учун чигитни пуштага экиш усули ишлаб чиқилган. Бу усул ҳайдов қатламида тупроқ чигитини узоқ вақт мақбул ҳолатда сақлаб турилишини таъминлайди.

Жорий йилга ўхшаб ёғингарчилик кўп бўлганда пуштада нам ортиқча тўпланиб қолмайди. Чўнки намнинг асосий қисми пушта устига, қолгани эса жўяқ тўбига сингиб кетади. Бу усулни қўллаганда тупроқнинг юза қисми ювилиб кетмайди ва қатқалоқ пайдо бўлса ҳам текис ерга нисбатан юпқа бўлади. Маълумки, текислаб чигит экилган майдонларда ёғингарчилик бу йилга ўхшаб кўп бўлса, қалин қатқалоқ пайдо бўлади. Тахрибаларга қўра, об-ҳаво шароитига қараб текислаб экилган ерларда тупроқ қатқалоғи қалинлиги 17 мм. дан 29 мм. гача бўлган. Аммо пуштага экилган майдонларда бу кўрсаткич 9-11 мм. дан ошамаган.

Текис ерларга қараганда пушта олинган ерларда тупроқ ҳарорати 2-3°C даражагача юқори бўлгани тахрибаларда исботланган. Шунинг учун ҳам пуштага экилган уруғ текис ердагига нисбатан 2-3 кун олдин уйиб чиқади.

Уруғ пуштага экилган майдонларда пахта 7-8 кун олдин етилади.

Далага пушта (марза) тортиш учун шўдгордан кейин тупроқнинг устки қисми бороналаш билан бир вақтда мана бостириб текисланади.

Шундан кейин яхши тайёрланган далага пушта тортувчи махсус мосламалар трактор қичқарилади. Пушта олишни ҚЗУ-0,5 чизель культиваторнинг рамасига махсус ўрнатилган жўяқ ёки эгат оладиган, осилган КРХ-3,6 ёки КРТ-4 культиваторлари ёрдамида амалга ошириш мумкин. Шундай қилинганда чигит марза (пушта) нинг уст қисмига 3-4 см. чуқурликда экилади. Бу эса чигит экишни 3-4 кун эрта бошлаш имкониятини яратади. Марза (пушта) ларнинг уст қисмида ҳосил бўлган қатқалоқнинг қалинлиги 1,5-2,5 марта кам бўлади.

Чигит пуштага экилганда гўзанинг интенсив ривожланиши учун кўраг бўлган жуда қўлай иссиқлик ва озикланиш шароитлари яратилади.

Олинган натижалар гўзанинг жадал ривожланишини таъминлайдиган шароитларни яратадиган технологиялар фақат умумий ҳосилни эмас, балки биринчи терим салмоғини ҳам оширадиган омил эканлигини кўрсатади. Тахриба участкада ўтказилган тадқиқотда тахриба вариантларида олинган умумий ҳосил гектаридан 40,1 центнер бўлиб, шундан 29,8 центнерни ёки умумий ҳосилнинг 75 фоизини биринчи терим ташкил қилган. Назорат вариантларида умумий ҳосил гектаридан 4,4 центнер кам бўлиши билан бирга биринчи терим салмоғи 10,4 центнерга кам бўлган.

Мавсумда сув сарфи тахриба вариантларида 4511 м³, назорат вариантларида эса 5362 м³ бўлган. Пуштада гўза ўстиришда сув тежаланишининг боиси шундаки, гўза бутун ўсиш даври давомида пушта тупроғи майин ҳолда бўлганидан ва қатор оралари ишлашда пушта усти (5-6 см.) чуқурликда қоматирилгандан тупроқдан сув буғланиб йўқолиши кескин камайган.

Ерни чигит экишга ўз вақтида, сифатли тайёрлаш мўл ҳосилга замин яратади.

Ренат НАЗАРОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, қишлоқ хўжалик фанлари доктори.

ИЖТИМОЙ ҲУҚУҚЛАР МУҲОФАЗАСИ ЙЎЛИДА

Кундалик турмушимизда оила мустаҳкам ва муҳим ўринга эга. Президентимиз 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили» деб ном беришни таклиф қилишлари замирида кўплаб эзгу мақсадлар ётибди, десак аниқлимаймиз. Оилани ҳар томонлама ривожлантириш мамлакат тинчлиги ва тараққиётининг гарови экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Дунёқароши, мақсад ва вазифалари бутунлай ўзгача бўлган янги авлоднинг тарбиялаш, уни турли-туман ёт таъсирлардан асраб-авайлаш, ҳеч кимдан кам қилмай вояга етказишда оила, шубҳасиз, муҳим ўрин тутати.

Усмонхон АЛИМОВ,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси,
муфтий

Оила, фарзанд каби тушунчалар жамият асоси ва ҳар биримизнинг ҳаётиимиз мазмунини ҳисобланади. Шу боис, халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билиб, унда соғлом муҳит қарор топиши ва мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратиб, эъзозлаб келган. Истиқлол йилларида мамлакатимизда жамиятнинг муҳим бўлини бўлган оилани ривожлантиришга қаратилган қатор ислохотлар амалга оширилди.

«Жаннат райҳони» дея таърифланган фарзанд ҳам оилада камол топади. Шу боис, ҳар бир ота-она фарзанди дунёга келган илк ондан бошлаб, унга бутун меҳрини беради, бор имконини сарф этади, баркамол инсон бўлишини ният қилиб тарбиялайди. Қўланган мақсад эса фарзандни аржумандларнинг бахти, эртанги кунининг порлоқ бўлишидир.

Зеро, тарбия масаласи азалдан ҳар замон ва маконда ниҳоятда муҳим омили ҳисобланади. Ислоҳ шариатида ҳам фарзанд тарбияси масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, қизлар тарбиясига. Чунки қиз болаларни тарбия қилиш илк донлардан олоҳида эътибор, ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Бу борада йўл қўйилган кичик бир ҳаёт ҳам вақти келиб жуда катта афсус ва надоматларга олиб келиши мумкин. Шунинг учун қиз бола шайни ҳақиқатда ҳар сўз алоҳида ургу, алоҳида салмоқ бериб гапирилади. У жуда назокатли, ифтихорли, ибодил, сабр-бардошли, оқила, меҳрибон... бўлиши даркор. Унинг исми, жисми, маънавияти, хатти-ҳаракати ҳақида ўлчов ўзгача бўлиб келган. Шу боис, қиз бола ўсаятган хонадон соҳибларининг кўнглида гурур, сурур, шуур ва қиз шайни билан боғлиқ ор-номус муҳассам бўлади.

Айни ана шу нозик ҳижатлар сабабидан Пайгамбаримиз Мухаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) Жобир ибн Абдуллоҳдан (розийаллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадиси шарифда: «Кимнинг учта қизи бўлиб, уларни ўз қўлида тарбия қилса ва уларга марҳамат назари билан қараса, жаннатга

кириши мукаррардир», дея марҳамат қилганлар (Имом Бухорий ривояти).

Баъзан қиз бола тарбияси ҳақида гап кетса, «Оқ қанд каби авайлаб ўстирдим», деган ибора ишлатилади. Жуда нозик ўшатиш. Бунинг замирида қизларга бўлган меҳр ва муҳаббатни қўриш мумкин. Ота-она ана шундай катта меҳр, не-не машаққатлар билан ўстирган дилбандини бир кун келиб ўзга уйга узатади. Қиз бола юксак эзгу тилаклар билан ёр-ёр садолари остида ота уйини тарқ этаркан, ҳар қандай қийинчилик қаттиқ отанинг ҳам кўнгли юмшайди, қўзига беҳишти ёр ёш келадилар...

Шунда у дуога қўл очади: «Борган жойингда азиз бўл, туп қўйиб палак ёз, ўзингдан қўлайгин!» Бу дуо замирида фарзанд бахти бардавонлигининг инъикоси мавжуд. Минг афсус, доим ҳам бу бахт тўла-тўқис бўлавермайди. Баъзи ҳолларда ёш оилаларнинг бузилиш ҳолатлари ҳам учраб туради. Айнан шундай кўнгилсиз ҳолатларга тўйдан олдин қилинган айрим эътиборсизлик ва ҳатолар сабаб бўлади. Яъни тўйнинг даб-дабалари билан андармон бўлган ота-она икки ёшнинг расмий никоҳдан ўтишига бепарво бўлиши натижада фақат шаръий никоҳ ўқитилиб, расмий никоҳдан ўтмаган аёл кишининг фуқаролик ижтимоий ҳуқуқи поймол бўлади.

Киши ҳаётида бир марта бўладиган, умр савдоси бўлмиш никоҳ масаласи доимо кенг муҳофаза ва кенгаш билан амалга оширилган маъқул. Шу ўринда Пайгамбаримиз Мухаммад (саллаллоҳу алайҳи ва саллам)нинг қуйидаги ҳадиси шарифларини эсга олиш жоиз: «Қизларни турмушга чиқариш тўғрисида оналари билан маслаҳатлашилганлар».

Албатта, никоҳ тўйсиз бўлмайди. Бу қадимдан дийримида миллий анъана сифатида давом этиб келаятган яхши урф-одат. Бу ҳақда Пайгамбаримиз бундай деганлар: «Никоҳ тўйида бир кўй сўйиб бўлса ҳам зиёфат бering».

Шунинг учун ҳам икки ёш катта орзу-умидлар билан турмуш кура-

ётганини элга маълум қилиб, тўй берилади. Лекин бу ҳам метёрида бўлгани яхши.

Аллоҳ таоло оила ва никоҳ тўғрисида бундай марҳамат қилади: «Ўз жинсларингиздан сизлар учун жуфти ҳалоллар яратиб берди, токи улар билан ҳаловатли турмуш қургайсизлар. Ўрталарингизда меҳру муҳаббат тўйғусини пайдо қилди. Бу эса Аллоҳнинг биру борлигининг нишонларидандир. Ақл-идроқли фикр юритувчилар учун бунда кўп ишорат ва аломатлар бордир» (Рум, 21).

«Никоҳ» арабча сўз бўлиб, эр-как билан аёлнинг бирга, жуфт бўлиб яшашлари учун ўрталарида тузилган ақдни англатади. Никоҳ ҳақиқий бўлиши учун бўлғуси келин ва кўвнинг ўзаро розилиги, гувоҳларнинг иштирок этиши ва маҳр тайин қилиниши шартдир. Никоҳ ила оила қуриш Жаноб Пайгамбаримиз (саллаллоҳу алайҳи ва саллам) суннатларидадир. У зоти муборак ҳадиси шарифда: «Никоҳли оила қуриш менинг суннатимдир. Ким менинг суннатимдан воз кечса, у мендан эмас», деганлар.

Биз ушбу ҳақиқатни эътироф этган ҳолда, турмуш қуриш, оила тебратиш ва фарзанд тарбияси каби муҳим ишларда диний ва миллий анъаналаримизга риоя этиш билан бирга мамлакатимизда амалда бўлган қонун ва қоидаларга ҳам қатъий амал қилишимиз зарур бўлади.

Никоҳ, оила доимо долзарб масалалардан ҳисобланиб келган. Ислоҳ динида ҳам, халқимизнинг одатида ҳам унга эътибор билан қараб, оила мустаҳкамлигини таъминлашда барча бирдек масъул бўлган.

Бу ҳақда Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг «Шаръий никоҳдан ўтиш одоблари» тўғрисидаги фатвоси ҳам чиқарилган. Унда: «Шаръий никоҳ шартларига давлатимизнинг никоҳ ва оила тўғрисида қабул қилган қарор ва қонунлари ҳам қўшилган. Масалан, келин-кўв шаръий никоҳдан олдин никоҳни қайд қилувчи давлат идоралари рўйхатидан ўтиб, расмий гувоҳнома олган бўлишлари лозим.

Расмий никоҳдан ўтмаган, ФХД гувоҳномасига эга бўлмаган ёш оилалар ажрашиб, она боласи билан қўчада қолганини ҳисобга оладиган бўлса, шаръий никоҳ шартларига ҳукумат томонидан берилган ФХД гувоҳномасининг бўлиши ҳам муҳим шартлардан бири деб эътибор қилиш ўринлидир. Имомларнинг ФХД гувоҳномасини суриштирмай никоҳ ўқишлари ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқларини камситиш бўлса, гувоҳномани қўриб, сўнгра никоҳ ўқишлари ҳуқуқий жамият барпо қилаётган бир вақтимизда ёш оилаларнинг ижтимоий ҳуқуқини муҳофаза қилишдир...» дейилади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, оиланинг мустаҳкам бўлиши, унинг давлат қонунлари билан муҳофаза қилинган ҳолда қурилиши учун имом-хатибларимиз ҳам масъул экан, улар никоҳни ўқиш чоғида юқоридаги фатвога амал қилсалар, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўлур эди.

Никоҳ масаласига энг олдин ота-оналар жиддий қарашлари, бир кунлик тўй дабдабаларини эмас, балки фарзандларининг бутун умрлик ҳаётларини ўйлашлари лозим. Шу билан бир қаторда тўй қуни шаръий никоҳни шошилинч тарзда эмас, балки никоҳ шартлари, оилани мустаҳкамловчи омиллар ҳақида сўзлаб, ёш келин-кўвларга панд-насиҳатлар қилишлари лозим.

Давлатимиз қонунчилигида қўрсатилган қоидага кўра, тўйдан бир ой бурун икки ёш расмий никоҳдан ўтиш учун никоҳни қайд қилиш идораларига ариза топширади. Бу пайтда уларга тиббий қўриқдан ўтиш учун йўлланма берилади. Тиббий қўрик варақаси тўлатилган ҳолдагина фуқароларнинг расмий никоҳи қайд этилади. Давлатимиз томонидан яратилган бу каби шароитлар аслида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бу орқали оила мустаҳкамлигини таъминлашга қаратилгандир. Зеро, оилада йиғилинган ҳам, қизининг ҳам ўзига хос ўрни, вазифалари бор. Бу вазифа ва масъулиятларни адо этишлари, соғлом зурриётларни дунёга келтиришлари учун эса энг олдин ўзлари соғлом бўлишлари керак. Динимиз қўрсатмаларида ҳам оила қурувчилар учун уларнинг соғлиғига катта аҳамият берилади.

Демак, ёшлар оила қуришларида аввал малакали, ўз соҳасининг етук мутахассиси бўлган шифокорлар қўриғидан ўтишлари шарт. Бу ҳам келиннинг, ҳам кўвнинг, қолаверса, жамият пойдевори ҳисобланмиш оиланинг эртанги кунини муҳим. Шу боис, қизларини «оқ қанд каби авайлаб ўстирган» ота-оналар ҳам, яхши ният билан келин туширган кўвнинг оиласи ҳам бу расмий никоҳга жиддий эътибор қаратмоқлари шарт. Фақат ота-оналар эмас, балки бутун маҳалла, жамият бу ишда ўзларини масъул санасалар, нур устига нур бўлар эди. Чунки дийримида эскидан «Маслаҳатли тўй тарқамас» деган таомилга кўра, тўйдан олдин маҳалла оқсоқоллари, кексалар билан маслаҳат қилинган. Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, катта ҳаётли тажрибига эга бўлган отахон ва онахонлар бу ишга бош қўшсалар, турли кўнгилсизлик-

ларнинг олди олинади.

Кези келганда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозим, илгарилари қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида ҳам никоҳни қайд қилиш идоралари бўлган. Бу эса ўз ўрнида расмий никоҳдан ўтишнинг шартларини осонлаштирарди. Шу тажрибани яна жорий этиш лозим. Бу қўний никоҳдан ўтмай оила қуришнинг олди олинишига ёрдам беради.

Хуқуқий фуқаролик жамияти қуриш йўлидан дадил бораётган давлатимиз ёш авлод соғлиғи ва бахтини кўзлаб олган хайрли ишларни амалга оширмоқда. «Соғлом авлод йили», «Ёшлар йили», «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» қабиаларнинг барчасидан кўзланган мақсад аҳолининг маънавий-моддий турмуш тарзини юқори босқичга кўтаришдир.

Мустақил йилларида Ватанимиз келажаги бўлган ёшларга жуда катта шароитлар яратилди, кенг имкониятлар эшиғи очилди, десак сира муволафа бўлмайди. Айнан ўтган «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»да ёш оилаларга ғамхўрлик кучайтирилиб, уларни уй-жой билан таъминлаш, хусусий тадбиркорликларини йўлга қўйиш учун энг яхши шароитларда қарзлар бериш йўлга қўйилган бўлса, «Мустаҳкам оила йили» деб ном олган 2012 йилда фуқароларнинг турмуш тарзини янада яхшилаш, аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги тиббий маданиятни оширишга катта эътибор берилади.

Шу ўринда ҳақиқат бир савол туғилади: «Нега айнан аҳолининг соғлиғини сақлаш соҳасидаги тиббий маданиятни оширишга ургу берилмоқда?» Чунки тиббий маданияти юксак кишилар нафақат ўзларининг, балки ён-атрофидаги инсонларнинг ҳаётини тўғри йўлга қўйишлари, бу орқали эса, жамиятни юксалтиришлари, натижада юрт келажагининг буюклигини таъминлашга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўйишлари мумкин. Шу маънода бугун ҳар бир маҳалла, қишлоқ фуқаролар йиғинлари қошида қишлоқ тиббиёт марказлари ташкил этилган. Аҳолининг доимий равишда тиббий қўриқлардан ўтиб туриши, шифокор назоратида бўлиши таъминланмоқда. Бу эса тиббий қўриқдан ўтиб, ҳам расмий, ҳам шаръий никоҳ асосида қурилган мустаҳкам оилаларда туғилажак соғлом фарзандларнинг қафолати саналади.

Хулоса шунки, давлатимиз амалга ошираётган ҳар бир ислохот шу юртда истиқомат қилаётган халқ учундир. Шундай экан, ҳар биримиз мамлакатимизда амалда бўлган қонун-қоида ва қарорларга қатъий риоя қилиб, уни ҳаётимизга татбиқ этишимиз даркор.



СПОРТ

▼ БОКС

ЛОНДОНГА НАВБАТДАГИ ЙЎЛЛАНМАЛАР

Германияда ўтган «Chemistry Cup-2012» халқаро турнирида Ўзбекистонлик икки нафар чарм қўлқоп устаси битта олтин ва битта кумуш медал соҳиб бўлиб, Лондон Олимпиадасига йўлланмани қақ қилиб қўйди.

Юрдошимиз Жасурбек Латипов 52 килограмм вазн тоифасида голиб бўлиб, олтин медални қўлга киритди. Сирдарёлик боксчи Орузбек Шоимов 56 килограмм вазн тоифасида шведиялик Башир Ҳассанга қарши жанг ўтказди ҳамда 18:7 ҳисобида ғалаба қозонди. Финал учрашувида эса жазоирлик Мухаммад Амин Удхидан енгилиб, турнирнинг кумуш медалига сазовор бўлди.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ

▼ ГИМНАСТИКА

ЛУИЗА КУМУШ МЕДАЛЬ СОВРИНДОРИ

Германиянинг Коттбус шаҳрида спорт гимнастикаси бўйича жаҳон кубогининг навбатдаги боксичи бўлиб ўтди.

Унда ҳамюртимиз Луиза Галиуллина эркин машқларни бажаришда 13,75 балл тўплаб, кумуш медалга сазовор бўлди.

Луиза ўтган йили АҚШ ва Бельгияда ўтказилган нуфузли турнирларда бронза медалларни қўлга киритган эди.



ЮРТИМИЗ БАҲОДИРИ ИККИНЧИ ЎРИН СОҲИБИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий ботида Баҳодирлар ўйинлари жаҳон кубогининг навбатдаги боксичи бўлиб ўтди.



Мусобақа Наврўз байрамига бағишланиб, унда Ўзбекистон, Россия, АҚШ, Буюк Британия, Испания, Польша, Арманистон, Грузия, Литва, Эстония, Беларусь, Норвегия ва Украина каби мамлакатлардан ўн тўрт нафар спортчи иштирок этди.

Мамлакатимизда иккинчи марта ўтказилган Баҳодирлар ўйинлари жаҳон кубогини босқичда қатнашган полвонлар белгиланган вақт мобайнида 130 килограмм оғирликдаги предметни кўтариш, 270 килограмм оғирликдаги тошини маълум масофага кўтариб бориш, 320 килограмм оғирликдаги тошни айлана бўйлаб кўтариш каби машқларни бажаришда беллашди.

Мусобақада польшалик Кристоф Радзиковский биринчи ўринни эгаллади. Ҳамюртимиз Сергей Трубининг иккинчи, Буюк Британия вакили Марк Феликс эса учинчи ўриндан жой олди.

Азиз НУРУЛЛАЕВ

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент ш. Училиш т. ТСРМ томонидан (реестр 004496-01, 06.05.2011 й.) давлат рўйхатидан ўтказилган «ALEXANDER EXPERIENCE» МЧК (СТР 301983715), 28.03.2012 й.даги таъсирининг 5-сонли бўйруғига асосан тўғатилди. Давлат эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 731-39-15.
Тошкент ш. Чилқор т. БТИ томонидан Дуғурава (Айрисова) Хурит Мухаммадналиевна номида расмийлаштирилган Тошкент ш. Чилқор т. 5-15-1 маҳалласида қонун учун берилган уй план ҳужжатлари йўллангани сабабли бекор қилинади.
ООО «GAYANA UNIVERSAL» (ИНН 302173266), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства юрисдикции М.Узбекистонского р-на г. Ташкент (реестр № 005599-03 от 11.01.2012 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент Юлий Мамасова д. 33, ликвидировано (протокол № 4 от 18.03.2012 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.
ООО «ERBEK YUSUPOV LTD» (ИНН 302082980), зарегистрированное отделение гос. регистрации субъектов предпринимательства юрисдикции М.Узбекистонского р-на г. Ташкент (реестр № 006764-04, 17.08.2011 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. М.Узбеки д. 54 к-ра 72, ликвидировано. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации объявления.
Частная фирма «ABROR SERVIS» М.Узбекистонского р-на сообщает о преобразовании в ООО «ABROR SERVIS».
Утвержденную государственную № 000374 от 02.06.2004 г., выданную ИРПТ юрисдикции М.Узбекистонского р-на и Устав на ООО «TOSHKENT TUR», считать недействительными.
Тошкент ш. Юнусов т. х. халқимиз қўриқларида ТСРМ томонидан 07.08.2006 й.да № 002245-10 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган «TRANS-SIGNAL» шуба халқимиз жамияти (СТР 206746604) Устав жамиятнинг 65 387 088 сўмдан 43 715 000 сўмга қайтагирилгани маълум қилади. Тел.: 728-73-37.
Тошкент шаҳри ёр тузили ва қўшма мулк кадастр қўшма» ДУХ томонидан Тошкент ш. Шайхонтоқор т. Ушбу қўш. Қўшма бозори маҳалласида жойлашган «SHAYXONTOKHURSAVO» ЖК номига 2001 й.да берилган № 10-36/2001 реестр рақами бери ва № 1682675640 рақами ёр кадастр ҳужжатлари йўллангани сабабли бекор қилинади.
Руководство ИП ООО «ALFI TEKSTIL» (ИНН 206646641), объявляет об уменьшении уставного фонда (на основании Решения Учредителей предприятия) на 02.02.12 от 28.03.2012 г.) на сумму 195 000 долларов США, то есть с суммы 6 802 006,75 долларов США до суммы 6 404 006,75 долларов США. Претензии принимаются по адресу: Ташкентская обл. Зангиотинский р-н ССГ «Урта Ой» ул. Ешлык, 1, либо по факсу: (998970) 975-80-40.
Утвержденную государственную форму № 18, выданную 15.02.2011 г. ГЛАВГАТУ на помещение, расположенное по адресу: г. Ташкент Бектешевский р-н ул. Олтинополан д. 21 на фирму ООО «NUR-EL BIZNES», считать недействительной.

МАҲАЛЛА — ОИЛАВИЙ БИЗНЕС МАРКАЗИ

Тадбирда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бўшаруви раиси Анвар Аҳмедов ва бошқалар таъкидлаганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи фаолиятини такомиллаштириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан жойларда томонқадан самарали фойдаланиш бўйича муайян чора-тадбирлар қўрилмоқда. Аниқроқ айтганда, фуқаролар йиғинлари томонидан тегишли ташкилотлар билан биргаликда томонқа эгаларига сазавот, поллиз ва картошка уруғлари ҳамда қўчатлар етказиб берилмоқда. Шу билан бирга, маҳалла фоллари томонқадан самарали фойдаланиш, арготехник тадбирлар, тижорат банклари томонидан ажратилаётган имтиёзли кредитлар бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши бўйича тушунириш ишларини олиб бормоқда. Маҳаллалар ҳудудида кичик корхоналар, хунармандчилик цехлари, сартароҳхона, пойабзал таъмирлаш устакхоналари ва хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш орқали аҳоли бандлигига эришиш мақсад қилинганлигини ҳам айтиш жоиз.

Иштирокчилар маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнес марказига айлантиришда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари олдига турган муҳим вазифаларга ҳам алоҳида тўхталдилар.

Анжунамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди томонидан эълон қилинган «Истиқлол — гурурим, маҳаллам — фаҳрим» кўрик-танловини голиблари тақдирландилар.

Дилафрўз ҒАЙБИЕВА,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Қашқадарё Вилояти

ХАЙРЛИ ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Қарши шаҳрида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми», «Меҳр нури», Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғорамлари, «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмаси ҳамда Қашқадарё вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг никоҳ ва суннат тўйлари ўтказилди.

«Мустаҳкам оила йили» маъруз тадбирда келин-кўвлар фуқаролик ҳолати да-ирасида ташкил этилган



этиш бўлимларида никоҳдан ўтди. Болаларнинг истироҳат боғларига саёҳати, концерт томошалари уюштирилди. Никоҳдан ўтган ёшлар ва суннат тўйи ўтказилган болаларга махсус ҳисобрақамлари очилди.

Давлат ва жамоат ташкилотлари, маҳаллалар фаоллари, кенг жамоатчилик ҳамда санъаткорлар иштирок этган тадбир ёшлар ҳаётида

унутилмас воқеа бўлиб қолди. Бундай тадбирлар давлатимиз томонидан оилаларга қўрсатилган эътибор ва ғамхўрлик, халқимизга хос инсонларга меҳр улаштириш, саховатпешалик каби олижаноб фазилатларнинг ёрқин ифодасидир.

Ф.ХОЛМИРЗАЕВ,
ЎЗА мухбири.
Жамшид НОРҚОБИЛОВ
(ЎЗА) олган суратлар.

Бош муҳаррир: ЧОРИ ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аграрно-соҳа комплекси тарихиндаги ҳамда шу тармоқда дахлдор вазирлик ва идоралар.	ТАХРИР ХАЙАТИ: Алитай АДИЛОВ, Улугбек УЗОҚОВ, Сайсатхон АБДУЛЛАЕВА, Махмуд ТОИР, Хамрой РАЗЗОҚОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Омилона ЮНУСОВ, Амар КУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шероод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақом билан рўйхатдан ўтказилган.	ISSN 2010-7021	Қабулхона — 236-58-83, Котибхона — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Ижтимоий-сыйсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.	ТЕЛЕФОНЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.	ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қашқадарё — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жиззах — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фарғона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарё — (8-375) 229-17-29.	Реклама ва эълонлар — 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар	Набатчи муҳаррир: С.ҚОДИРОВ Муҳаррир: О.ҚОДИРОВ Дизайнер: М.
--	---	---	--	-----------------------	---	---	--	---	---